

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK  
TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**«O'ZBEK TILI TARAQQIYOTI VA XALQARO  
HAMKORLIK MASALALARI»**

**mavzusidagi**

**xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari**

*2019-yil 29-oktabr*

**TOSHKENT- 2019**

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 4-жилд.

## Болалар нутқининг морфодейктик хусусиятлари

### Morphodeyktic features of children's speech

Қурбонова Мунаввара Абдужабборовна \*

*Annotation: Given clause is devoted to pragmatical interpretation of language units. The place and meaning deyktical of units is stated at expression of the communicative purpose. The reasons of occurrence morphodeyktical of distinctions peculiar speech of children of pre-school and school age are revealed*

**Keywords:** children's speech, pragmatics, personal deixis, temporal deixis, locative deixis, communicative purpose.

Ўзбек тилидаги морфодейктик воситаларнинг муайян қисмини от туркумига мансуб бирликлар ташкил қилади. Бу туркумга мансуб бирликлар шахс дейксисини шакллантиришда фаол иштирок этади. Д.Лутфуллаева ва Р.Давлатованинг бу борадаги тадқиқотида кишиларнинг исм-фамилияси, лақаби, тахаллуси, насл-насаби, касб-кори, унвони, мансаби, миллати, туарар жойи, ижтимоий ҳолатини кўрсатувчи ҳамда қариндошлиқ тушунчаларини ифода этувчи отлар шахсга ишораси асосида шахс дейксисини шакллантириши қайд этилади. [Лутфуллаева, Давлатова, 2011: 34]. Бу ҳолат болалар нутқида ҳам кузатилади.

Болалар нутқига хос дейктик хусусиятлардан бири исмни ифода этувчи атоқли отлар орқали аниқ шахсларга ишора қилиш воситасида шахс дейксисини шакллантиришdir. Бола дастлаб бу йўсинда ҳосил қилинган ишора бирликларини катталардан ўзлаштириб, ўз нутқида қўллайди. Бироқ айрим ҳолатларда катталар ва болалар томонидан атоқли от орқали шахс дейксисининг ифодаланишида муайян фарқлар кўзга ташланади. Болалар катталардан фарқли тарзда, аксарият ҳолларда, кишиларга атаб қўйилган исмларни қисқартириб талаффуз қилади. Мазкур ҳолат, айниқса, мактабгача ёшдаги болалар нутқида кўп кузатилади. Бу ёшдаги болалар учун исмнинг кўп бўғинли бўлиши ёки талаффузда нокулайлик туғдириши уни қисқартириб қўллашга сабаб бўлади. Масалан, Абдулазиз Абдужабборов (3 ёш) нутқида қўлланган “*Са ака*” дейктик бирлиги орқали Салоҳиддин исмли болага ишора қилиниши кузатилди.

Шуниси характерлики, мулоқот чоғида болалар ҳам, катталар каби, шахслараро муносабат нуқтаи назаридан ўзига яқин бўлмаган кишининг исмини тўлиқ талаффуз қилади. Бироқ болалар табиатига хос беғуборлик ва самимият боис танишувнинг илк босқичидаёқ улар ўртасида ўзаро дўстона муносабатнинг шаклланишига сабаб бўлади. Демак, бундай вазиятда шахс исмини қисқартириб талаффуз этиш орқали шакллантирилган ишора бирликларининг аксарияти болалар нутқига хос дўстона муносабат, ўзаро яқинлик ифодачиси хисобланади.

Бадиий матнларда қўлланган бу каби “қисқартма” шаклдаги дейктик бирликлар болалар нутқининг ўзига хослигини кўрсатишга хизмат қилади:

\* Филология фанлари доктори, доцент, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, munavvara2013@yandex.ru

1. – Бултур пошиа бувим менга туфли олиб берувдилар, тугилганимда. – Кизча ўйланиб қолди. – Кейин-чи, **Баҳоға** уч оёқли велосипед, **Баҳтига** күйлак... (Ў.Хошимов. “Дунёнинг ишлари”)

2. От жиловини чаққон **Ғанишига** тутқаздим-да, бир сакраб, уни отдан ағдардим. (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

Болалар нутқида предметни англатувчи от туркумига мансуб сўзлар шахсга ишора қилиб, шахс дейксисини ҳосил қилади. Масалан:

**Самоваржоннинг айтишича,** Ўрис хола ҳам ёшлигига етимхонада катта бўлган экан. Йигирманчи йилдами, йигирма бешинчи йилдами, буниси **Самоварнинг** эсида йўқ экан. (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

Асарда баён қилинишича, боланинг исми аслида Самар бўлиб, “детдом”да уни **“Самовар”** деб чакиришар экан. Мазкур ҳолатда болалар томонидан *Самар исмининг Самовар* тарзида айтилишига сўзларнинг талаффуздаги ҳамоҳанглиги сабаб бўлган. *Самовар* сўзига дейктик вазифа юклатилиши ҳамда унга коннотатив семани ифодаловчи -жон аффиксини қўшиш орқали ясалган нутқий инновация ғайриодатийлиги билан китобхонда қулги уйғотади.

Юқоридаги каби ҳолатлар 11-12 ёшдаги болалар мулоқотида кўп учрайди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 159-сон мактабнинг 5-синф ўқувчилари Шоаббос Шофозилов ва Нажмиддин Тўрахўжаев нутқларида Малика исмли қизга **Малина тарзида**, 234-сон мактабнинг 6-синф ўқувчилари Хасан Омониллаев ҳамда Азиза Абдуллаевалар нутқида эса Фарҳод исмли болага **Пароҳод** тарзида ишора қилиниши кузатилди.

Болалар нутқида нотаниш шахсларга нисбатан қўлланган амаки, хола, бобо, буви, чол, кампир каби шахс отлари шахс дейксисини ҳосил қилади. Масалан:

**Дадам аравага ўтириб, мени бағрига оларкан, чолга қаради.** (Ў.Хошимов. “Икки эшик ораси”)

Шунингдек, болалар нутқида қўлланган кишиларнинг касб-корини ифодаловчи отлар орқали ҳам шахс дейксиси шакллантирилади. Масалан:

**Қоп-қора қабобпаз бидир-бидир қилиб харидор чақиради.** (Ў.Хошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Баъзан болалар кишиларнинг ижтимоий ҳолатини акс эттирувчи отлар орқали ҳам шахс дейксисини ҳосил қилади. Бу ҳолат мактаб ёшидаги болалар нутқида ўз ифодасини топади. Масалан: **Бой гапларимнинг кейинги жумлаларини эшиитдими, эшиитмадими билмайман, чой ичиб турган тиёласини бошига уриб, чаккасини ёрди-ю, соқолини юлиб, додлаб йиғламоқча бошлиди.** (Ғ.Фулом. “Шум бола”)

Д.Лутфуллаева ва Р.Давлатова ўзбек тилида шахс дейксисининг ифодаланиши масаласи таҳлилига доир мақоласида *устоз, шогирд, одам, киши, инсон, хўранда, меҳмон, жсаноб, хоним* каби отлар ҳам дейктик белгисига кўра шахсларга ишора қилиши ҳақида маълумот берган. [Лутфуллаева, Давлатова, 2011: 36]. Мазкур дейктик бирликларнинг барчаси болалар нутқида фаол қўлланади, деб бўлмайди. Бироқ болалар томонидан таълим берувчи шахсга ишора қилувчи *устоз* сўзининг қўлланилиш даражаси ниҳоятда юқори. Мазкур морфологик бирликнинг шахсга ишораси мактаб ёшидаги барча ўзбек болалари нутқида кузатилади. Бу эса ўзбек мулоқот хулқининг гўзал намуналаридан бири ҳисобланади.

Болалар нутқида сифат туркумига оид айрим бирликлар ҳам дейктик вазифа бажаради. Бунда сўзловчининг ёш хусусияти билан боғлиқ ҳолда айрим фарқли жиҳатлар кўзга ташланади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг белги билдирувчи сўзлар орқали шахсга ишора қилишини Сарварбек Умаров (4 ёш) нутқида кузатилган қуйидаги ҳолат асосида изоҳлаш

мумкин. Бола тенгдошининг исмини билмагани учун унга эгнидаги либоснинг рангини билдирувчи сўз ёрдамида “Ў, қўк!” тарзида мурожаат қилган. Кўринадики, бола тенгдошига унда аниқ қўриниб турган белги орқали ишора қилиб, метонимик дейксисни ҳосил қилган.

Мазкур ёш давридаги болалар нутқида предметнинг белгисини билдирувчи сифатлар унинг миқдорига ишора қилиб, миқдор дейксисини юзага келтиради. Масалан:

1. ...Эртасига Кўқондан ўзбекча гапирадиган армани амакилар келиб, бир хуржун қизил пул бераб, узумимизни ҳаммасини сотиб олишган. (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

2. *Қизил пул беринг, конфет оламан*”(Абдуазим Абдужабборов, 5 ёш).

Келтирилган мисолларда боланинг қизил сифати юқори қийматли пулга ишора қилганлигини сезиш мумкин. Турли рангдаги қофоз пулларнинг қиймат жиҳатдан фарқланиши бола томонидан дейксиснинг ифодаланишига йўл очган. Мактабгача ёшдаги бола бу тафовутни аниқлаш имконига эга бўлмаса-да, пул қийматига унинг ранги асосида ишора қилиб, тил бирлигининг когнитив-прагматик хусусиятини намойиш этган.

Мактаб ёшидаги болалар нутқида кўчма маънода қўлланган сифат туркумiga мансуб сўзлар ҳам нарса-предметга ишора қилиб келиши мумкин. Масалан:

*Ақл-хушим жойида, одобим ҳам чакки эмас, олтинчи синфнинг интизомли ўқувчилариданман...*

*Шеърим касодга учрагач, лаб-лунжимни осилтириб ўтиргасдан, қофия, вазн, туроқ сўроқлаб магазинларни кезишига тушдим.*

*Онахон, сизда қофиядан борми? – деб сўрадим китоб сотиб ўтирган аёлдан. У шапалоқдек ойнага тикилиб, лабига қизил суртиши билан овора эди. (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)*

Боланинг лисоний хотирасида ишора обьекти ранги билан бирга гавдалангани боис, унинг нутқида шу белги билан боғлиқ метонимик ассоциация юзага келган. Бола пардоз воситасининг номини билмагани учун унга ранги орқали ишора қилиб, нарса-предмет дейксисини юзага келтирган.

Мазкур контекстда ифодаланган ўзига хос дейксисни тадқиқ этишда боланинг билиш даражаси, гендер хусусиятига ҳам эътибор қаратиш лозим. Асарда XX асрнинг 50 йилларида ўзбек болаларининг ҳаёт тарзи, руҳий ҳолати ва дунёқарашига хос жиҳатлар ёритилган. Боланинг ишора обьекти номини билмаслиги, уни ифодалашда ассоциатив тафаккур маҳсулидан фойдаланишига мазкур тарихий даврга хос шароит, у туғилиб ўсган худудда бу косметик воситадан фойдаланувчиларнинг шаҳардагига нисбатан сон жиҳатдан камлиги ёки умуман мавжуд эмаслиги каби омиллар сабаб бўлган. Ахборотлар оқими шиддат билан кечайтган бугунги кунда нафақат олтинчи синф ўқувчиси, балки бошланғич синфда таълим олаётган аксарият ўғил болалар ҳам контекстда ишора қилинган пардоз воситасининг номини билади. Шу туфайли уларнинг лисоний хотирасида мазкур восита билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган ассоциациянинг вербал ифодаси дейқтик эмас, балки номинатив вазифа бажаради. Агар ҳозирги давр руҳини акс эттиришга хизмат қилувчи бадиий асар матнида олтинчи синфда ўқийдиган ўғил бола томонидан “помада” тушунчасини ифодалаш мақсадида қизил сифати ишлатилса, бундай қўлланиш предметнинг номини билмаслик оқибати эмас, балки стилистик-прагматик хусусиятни акс эттиришга хизмат қилиши мумкин. Бу эса мулоқот хулқининг худуд ва гендер жиҳатдан хосланиши туфайли нутқ элементларининг дейқтик маъно касб этишида замон ва макон омили ҳам муҳим аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

Мактаб ёшидаги болалар нутқида қора сифати орқали шахс, нарса-предмет дейксисларининг ҳосил қилиниши ҳам кузатилди. Масалан:

1. Шахс дейксиси: *Ана, ферма томондан бир қора күринди. Шу бўлса керак... Йўқ, у отлиқ экан, қишлоқча қараб кетди. Яна битта қора күринди!* Буниси, албатта, *Карим кўзойнак...* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

2. Нарса-предмет дейксиси: *Узоқдан бир кишининг қораси* кўрина бошлади. (F.Гулом. “Шум бола”)

Нутқда баъзан отлашган сифатларга ҳам дейктик вазифа юклатилади. Бундай ҳолатда отлашган сифатнинг дейксисининг қайси турини ҳосил қилганлиги контекст асосида маълум бўлади. Масалан:

*Менинг ёшим олтида:*

*Катта-кичик олдида:*

*Кўзни қилиб шамғалат,*

*Олмайман ҳеч шоколад.* (Қ.Мухаммадий)

Ушбу матнда отлашиб келган *катта-кичик* жуфт сифати орқали турли ёшдаги шахсларга ишора англашилади. Юқорида қайд этилганидек, болалар томонидан ишлатилган *катта-кичик, яхши-ёмон, паст-баланд, оқ-қора* каби ўзаро зидланувчи сифатлар жуфтлигининг ишора бирлиги сифатидаги вазифаси фақат бадиий матнда юзага чиқади. Бу ҳолат катталарнинг сўзлашув нутқида кўп кузатилса-да, болалар коммуникатив фаолиятида учрамайди. Бизнингча, болалар бадиий адабиётида сифат туркумига оид антонимик жуфтликлар зиммасига дейктик вазифа юклатилганда ёзувчининг коммуникатив мақсади ёш китобхонларга тилнинг ифода имконияти ниҳоятда кенглигини уқтириш, уларнинг нутқий тафаккурини ривожлантириш, воқелик ва унинг элементларини билвосита акс эттириш учун сўз танлаш ва сўз қўллаш малакаларини оширишга кўмаклашишдан иборат бўлади.

Болалар нутқида равиш туркумига мансуб айрим морфологик бирликлар ҳам дейктик вазифа бажариб келади. Болалар нутқида, айниқса, ўрин, пайт, ҳолат равишлари дейктик вазифа бажаришда фаол иштирок этади. Болалар нутқида ўрин равишлари макон дейксисини ҳосил қиласи. Масалан: “*Ичкаридан* (хамир қориб ўтирган бўлса керак) икки қўли тирсагигача оппоқ унга беланган пак-паканагина, худди бўғирсоқдай дум-думалоқ бир аёл пилдираб чиқиб келди” (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

Болалар нутқида қўлланган пайт равишларининг дейктик вазифасини қуидаги матнларда кузатиш мумкин:

*У Зебихонга кўзи тушиши билан орқасига қараб қичқирди: – Буви, ҳув бирда келган аям келди.* (С.Зуннунова. “Олов”)

*Ҳўв бирда* Ҳайитвой, Диличон, Раҳимберди ҳаммамиз тобутхонага билдирамасдан кириб, навбати билан тобутхонада ётиб кўраётган эдик. (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Берилган мисолларда қўлланган *бирда* равиши узоқ ўтган даврга ишора қилиб, замон дейксисини шакллантирган. Равиш билан бирга қўлланиб, пайт жиҳатдан узоқлик семасини кучайтиришга хизмат қилган ҳув ва ҳўв сўзлари воқеликнинг айни нутқ вазиятидан анча вақт олдин бўлиб ўтганини кўрсатади.

Баъзан пайт равишининг ўтган замонга ишораси шевага хос шаклда ифодаланади. Масалан: *Абдували билан энди ўйнамайман. Ануңда соққа қувар ўйнаган* эдик, олтита ёнгогимни ютиб қочиб кетди. (Ў.Хошимов. “Икки эшик ораси”)

Шуниси характерлики, мактабгача ёшдаги болалар учун *кеча, бугун, эртага* равишиларининг маъносини фарқлаш бирмунча мураккаб кечади. Улар замонга ишора қилишда бу бирликларни баъзан алмаштириб қўллайдилар. Масалан:

– *Дада, циркка бугун оборасизми ё бўлмаса кеча оборасизми?*

*Дадаси кулиб:* – *Қизим, циркка дам олии куни борамиз, – деди.*

– Вой, эртага ўзиз айтмаммидиз, обораман деб. ( М.Содикова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

Ўзбек тилида ўқимоқ, гапирмоқ, пичирламоқ каби нутқ феъллари билан бирикиб, “товуш чиқарган ҳолда” маъносини англатувчи устида, ичида равишлари ўзаро оппозицияга киришади ва ҳаракат-ҳолат дейксисини ҳосил қиласди. Бу ҳолат болалар нутқида ҳам кўп кузатилади. Масалан:

– Дада, китобни нега ичингизда ўқийсиз, устингизда ўқинг, мен ҳам эшиштаман. ( М.Содикова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

Нутқий мулоқот жараёнида сон туркумига оид бирликлар ҳам дейктик восита вазифасини ўтайди. Д.Лутфуллаева ўзбек тилидаги сон туркумига оид бирликларни ишоравий вазифаси асосида қуйидаги функционал турларга ажратган:

- 1) шахсга ишора қилувчи сонлар;
- 2) нарса-предметларга ишора қилувчи сонлар;
- 3) пайтга ишора қилувчи сонлар;
- 4) ўринга ишора қилувчи сонлар;
- 5) воқеа-ходисага ишора қилувчи сонлар. [Лутфуллаева, 2009: 24].

Сонларнинг дейктик хусусияти болалар нутқида ҳам турлича воқеланади. Болалар дейксиснинг муайян турини ҳосил қилишда соннинг бир неча семантик туридан фойдаланади. Масалан:

1. Ўзи қишилогимизда битта тўлиқсиз ўрта мактаб бор, холос. *Еттими битирган болалар шаҳарга тушиб ўқишиади.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

2. *Ориф учинчида ўқийди.* (Ў.Хошимов. “Дунёнинг ишлари”)

3. – Ким? – деди Асем. – *Олтинчининг болалари.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

Кўринадики, биринчи мисолда саноқ сон орқали таълимнинг муайян босқичига ишора қилинган. Кейинги мисолларда бу дейктик вазифа тартиб сонларга юкландган. *Еттинчи синф, учинчи синф, олтинчи синф* бирикмаларида *синф* сўзининг тушириб қолдирилиши ва унга ишора қилиш саноқ, тартиб сонларига юкланиши натижасида ушбу сонлар дейктик вазифа бажаришга хосланади. Аслида болалар бу каби нутқий қўлланишларни катталардан ўзлаштирадилар. Болаларга хос шошқалоқлик, тингловчига фикрини тезкорлик ва сиқиқ тарзда етказиш уларнинг нутқда ихчам қўлланишлардан фойдаланишларида қўл келади.

Мактаб ёшидаги болалар нутқида тартиб сонларнинг отлашиб, шахс дейксисини юзага келтириши ҳам кузатилди. Масалан, “Ўшандан буён танаффусда иккинчилар билан ўйнамаймиз” (Ў.Хошимов. “Икки эшик ораси”) гапида иккинчи сони орқали иккинчи синф ўқувчиларига ишора қилинган.

Мазкур ёш давридаги болалар нутқида дона сонлар орқали муайян вақтга ишора қилиниши ҳам аниқланди. Масалан:

– Ҳали вақтли, биз учта ўқидик. (Ў.Хошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Ушбу гапда қўлланган учта сони ўтилган дарсларнинг миқдорини англалиш билан бирга, ўқув машғулотлари учун белгиланган вақтга (*уч соат*) ҳам ишора қилган. Бу каби қўлланишлар орқали ҳам болалар фикрни ихчам тарзда баён қилиш мақсадини кўзда тутадилар.

Дейктик белги феъл туркумига оид бирликларга ҳам хос. Айрим тадқиқотларда феълларнинг ҳаракат ва ҳолатни ифодалаши билан бирга, матн таркибий қисмлари ҳамда сўзловчи, тингловчи ва предметнинг ўрнига ишора қилиши қайд этилса, [Давлатова, 2017: 81]. баъзи адабиётларда уларнинг меъёрий ҳолат ва баҳо дейксисини шакллантириши таъкидланади. [Klark, 1974: 316]. Феълларнинг дейктик белгиси мактабгача ёшдаги

болалар нутқида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Қуйидаги мисолда буни кузатиш мумкин:

Шоҳруҳ. Уч ярим яшар: (*Ойнинг сувдаги аксини кўриб*): – *Ойижон, қаранг, оймума сувга “бу-у-м” этди!* (Ў.Ҳошимов. “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”)

Эътибор берилса, ҳаракат-холатни ифодаловчи феъл бола шахсига ишора қилган. Чунки бу каби қўлланишлар болалар нутқига хос бўлиб, катталар мулоқотида болага тушунириш беришда уларга “ўз тили” билан гапириш мақсадида ишлатилади.

Болалар нутқига хос айрим метафорик қўлланишдаги феъллар ҳаракат-холат дейксисини ҳосил қиласди. Масалан:

1. *Деразадан ой қараб турибди.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

2. *Трамвайдан тушгандан кейин икки томонидаги деворлардан пишган ўриклар мўралаб турган жинкўчалардан ўтдик.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

3. *Бобожон! – дейман гоҳо.* – *Болта урганингизда дараҳт нега қалтираб кетяпти?* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

4. *Чолнинг соқоли титраб кетди...* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Қуйидаги мисолда нутқ әгаси томонидан феълнинг сифатдош шаклига дейктик вазифа юқлатилганлигини кузатиш мумкин:

*Оёғида этик, эгнида икки чўнтағи дўппайиб чиққан жигарранг шим, эски кўйлак.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Англашиладики, бола дўппайиб чиққан сифатдоши орқали шимнинг чўнтакларида нарса-предметнинг мавжудлигига ишора қилган.

Болалар нутқида феълнинг равишдош шакллари орқали ҳаракат-холат дейксисининг ифодаланиши кузатилади. Масалан:

*Кетгунча, мен янги этигим билан қорларни гарчиллатиб орқада бордим.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Берилган гапда қўлланган гарчиллатмоқ феъли орқали босмоқ ҳаракатига ишора англашилади. Қорни ғарчиллатиш ҳаракати уни босиш ҳаракатини тақозо этгани боис, гапда бу феъл орқали айни ҳаракатга ишора қилинади.

Қуйидаги матнда ҳам феъл дейксисининг болалар нутқига хос намунаси кузатилади:

*Қайси қуни эрталаб ҳовлида айланиб юрсам, қўшинимизнинг етти яшар қизчаси Нилуфар чиқиб қолди. Оппоқ бантик тақиб, атлас кўйлак кийиб олибди.*

– *Ҳа, Нилу, ясаниб олибсан, меҳмонга кетяпсанми?* – дедим эркалаб.

– *Бугун ман тугилдим,* – деди у қоп-қора кўзларини тиртиратиб жилмаяркан...

– *Бултур пошиша бувим менга туфли олиб берувдилар, тугилганимда...* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Матнда қўлланган тугилдим, тугилганимда феъллари орқали боланинг туғилган кунига ишора англашилади.

Ўзбек тилида дейксисни ифодаловчи морфологик бирликлар сирасида олмошлар етакчилик қиласди. Ўзбек, инглиз, рус тилларида дейктик бирликларнинг семантико-функционал хусусиятларини чоғиштирма аспектда ўрганган С.Рахимов ўзбек тилида кишилик олмошларининг шахс дейксисини ҳосил қилиши ҳақида маълумот берган. [Рахимов, 1989:10-15].

Олмошлар дейктик белгисига кўра универсал хусусиятга эга бўлса-да, ички маъно турларининг қандай обьектга ишора қилиши жиҳатидан фарқли белгиларини намоён этади. Бу тафовут болалар нутқида ҳам ўз ифодасини топади.

ОНТОГЕНЕЗ даврида бола дастлаб тилда фаол қўлланадиган кишилик олмошларини ўзлаштириб, нутқига татбиқ этади. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида сўзловчи шахсга ишора қилувчи мен кишилик олмоши кўп ишлатилади. Бола мулоқот жараёнида

коммуникатив вазият талаби билан бу олмошга бир қатор вазифаларни юклаши мумкин. Масалан, Тошкент шаҳар шевасида сўзлашувчи Абдулбосит Абдужабборов, Ясиахон Джонхўжаева (1 ёшу 2 ой), Мухаммадали Кенжаев ва Робия Тойирова (1 ёшу 3 ой)ларнинг нутқида *ман* (мен олмошининг диалектал варианти) олмошининг *менда бор, менга бер(инг)* бирималари ўрнида кўллангани аниқланди.

Бола уч ёшга қадам қўйиши билан нутқида тингловчи шахсни кўрсатувчи *сен, сиз*; нутқий мулоқотдан ташқаридаги шахсга ишора қилувчи *у, улар* олмошларини ҳам кўллай бошлади. Мактабгача ёшдаги бола нутқида *сен* олмоши *сиз* олмошига нисбатан фаолроқ бўлади. Бу ёшдаги болалар тингловчи шахсга нисбатан ҳурмат ифодачиси сифатида ишлатилиб, ижтимоий дейксисни ҳосил қилувчи *сиз* олмоши ўрнида ҳам *сен* олмошини қўллаб юборадилар. Бунга, бир жиҳатдан, мазкур ёш давридаги болаларда нутқий одоб кўникмаларининг тўлиқ шаклланмаганлиги, иккинчидан, уларнинг ҳали *сен* олмошининг семантик-функционал имкониятларини англаб етмаганлиги сабаб бўлади. Нутқда у кишилик олмоши орқали нафақат шахсга, балки нарса-буюмларга ҳам ишора қилинади. Масалан: – *Ўртоқлар, компост* жуда фойдали ичимлик, уни, асосан, мевадан тайёрлашади. *Меваларнинг хили қанча кўп бўлса, у шунча ширин бўлади.* (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”)

Болалар нутқида кўрсатиш олмошлари дейксисининг қуйидаги турларини шакллантиради:

### 1. Шахс дейксиси.

Қуйидаги матнда *мана шулар* олмоши орқали шахслар (Сайдулло ака, Эркин Ҳамид, Тошқин Обид, Зоҳид Тўхта шоирларга)га ишора қилинади:

*Ўша куни редакцияга сўнгги шеъримни ҳам олиб бордим. Хонага шундоқ қадам босишим билан Жўра Жуман:* “Жуда вақтида келдингиз-да”, – деб қарши олди.

– Тинчликми ўзи? – негадир хавфсираб қолдим мен ҳам.

– Тинчлик. Сиз ўтириб туриңг. – Шундай деб, Жўра Жуман ташқарига чиқди-ю, зум ўтмай ўзи билан Сайдулло ака, Эркин Ҳамид, Тошқин Обид, Зоҳид Тўхта деган шоирларни эргаштириб кирди. Уларнинг ҳаммасини танийман. Бир ёқлама бўлса ҳам, дўстона алоқа боғлаганмиз, орамиздан қил ўтмайди, борди-келдимиз бор. Кофия, вазн, туроқларини мендан беркитиб ишлатадиган шоирлар *мана шулар* бўлади. (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”)

### 2. Нарса-предмет дейксиси.

Мактабгача ёшдаги болалар нарса-предметга ишора қилишда бу олмошини қўп ишлатади. Масалан, бир ёшли болаларнинг номини билмайдиган нарса-буюмларга нисбатан бу олмошини қўп қўллашлари кузатилди. Мазкур ёшдаги болалар бу олмоши ва кинематик восита – кўз ҳаракати орқали нарса-предмет дейксисини ҳосил қиласидилар.

Айрим ҳолатларда бир ёшли болалар *нима* сўроқ олмошининг дейктик вазифасини ҳам бу кўрсатиш олмошига юклайдилар. Бунда олмош таркибидаги унли товуш бир оз чўзиқ ва кўтаришувчи оҳангда талаффуз қилинади. Масалан, Абдуазим Абдужабборов (2 ёш) нутқида “*Бу нима?*” сўроқ гапи “*Бу-у?*” шаклида ифода этилганлиги кузатилди.

Қуйидаги матн парчасида ҳам бу кўрсатиш олмоши орқали нарса-предмет дейксиси ифодаланган:

*Жўрабошимиз, жонҳолатда, шинелга ёпишиди. Бузоқ анчагина жойини ямлаб бўлган экан, енгининг ярмигача сўлак билан қўшилиб чўзилиб оғзидан чиқди... – Энди нима қиласман буни! – жўрабоши шинелни ерга улоқтирди.* (Ў.Хошимов. “Дунёнинг ишлари”)

### **3. Белги-хусусият дейксиси.**

Қуидаги мисолда бундай олмоши харакатнинг белгисига ишора қилиб, белги-хусусият дейксисини юзага чиқарган:

*Мен этикни ёмон кўраман, ундан потинка яхши, ипини бундай-бундай қилиб ечсангиз, оёқдан чиқади-кетади.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

### **4. Миқдор дейксиси.**

Қуидаги диалогик нутқда шунча олмоши предметнинг миқдорига ишора қилиши билан дейқтик хусусият қасб этган:

– Оҳоо, ойи, **шунча нарса олиб келдингизми?**

– Ҳа, қизим, **шунча нарса олиб келдим.**

– Бозорнинг уйида нарса кўпми?

– Бозорнинг уйи дейилмайди. “Бозорда” ёки “магазинларда” деб айтиши керак. (М.Содикова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

### **5. Макон дейксиси.**

Кўрсатиш олмошлари маконга ишора қилиш орқали макон дейксисини шакллантиради. Р.Давлатованинг қайд этишича, *мана, ана, ўша, ҳўв ана* олмошлари предметнинг жойлашган ўрнини кўрсатиш билан бирга, сўзловчининг ўрнига ҳам ишора қиласди. Бунда сўзловчининг предметдан қай даражада узоқ ва яқинда жойлашганлигига аниқлик киритилади. [Давлатова, 2017: 79]. Мазкур ҳолат болалар нутқида қуидагича акс этади: 1. Нарса-предметнинг жойлашган ўрни: *Ана, кунгай томондаги деворга қатор тапни ёниб қўйилибди.* (Ў.Хошимов. “Икки эшик ораси”)

2. Сўзловчининг жойлашган ўрни:

1. – *Бувинг келди, деяпман.*

– *А, бувим?! – дедим-у, бир нафас тик туриб қолдим. Вой, рост, рост экан!*

*Ху ана, девор томонда кафтини пешонасига соябон қилиб турибди.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

2. – *Холам, хув ана, сўрида ўтирибдила.* (Шоислом Турғунов, 13 ёш)

Болалар нутқида тақлид сўзларга хос дейқтик хусусият янада ёрқин намоён бўлади. Ўзбек тилидаги тақлид сўзларнинг дейқтик вазифа бажариши манбаларда қайд этилган. Д.Лутфуллаева, Л.Бобохоновнинг тақлид сўзлар прагматикаси таҳлилига бағишлиланган мақоласида бу туркумга оид морфологик бирликларнинг дейқтик хусусияти асосида нутқда прагматик вазифа бажариши ҳам кўрсатилган. [Лутфуллаева, Бобохонов, 2010: 28-29].

Тақлид сўзларнинг нутқдаги вазифаси филогенез ва онтогенез даврининг дастлабки босқичида аниқ намоён бўлади. Н.Махмудов бу ҳақида шундай деб ёzáди: “Боланинг тили чиқаётган даврда унинг “лугат бойлиги”даги асосий қисмни тақлидий “сўз”лар ташкил этади. Бу табиий ҳол, албатта. Зотан, боланинг тили, аввало, товуш ва образларга тақлид қилиш билан чиқади ва секин-аста бундай “сўз”лар ўрнини одатдаги сўзлар эгаллай боради. Ана шу тақлидий “сўз”лардан одатдаги сўзларга кўчиш жараёни даври боладаги нутқий кўнималарни ривожлантириш ва такомиллаштиришда, айниқса, муҳим палладир”. [Махмудов, 2016: 16].

Кузатишларимизга кўра, болалар дастлаб тақлид сўзлардан дейқтик ном сифатида фойдаланади. Тилнинг лексик бирликларини ҳали тўлиқ ўзлаштириб улгурмаган бола нарса-ходисанинг номини билмаса, унга товушга тақлид орқали ишора қиласди. Болалар нутқида кузатиладиган бундай тақлид сўзларни дейқтик белгисига кўра қуидагича таснифлаш мумкин:

1. Ҳайвон ва паррандаларга ишора қилувчи тақлид сўзлар: *ба* (кўй), *мў* (сигир), *миёв* (мушук) *ку-ку* (парранда ёки куш).

2. Нарса-предметларга ишора қилувчи тақлид сўзлар: *гин*, *би-бип* ёки *ди-дим* (машина), *чиқ-чиқ* (соат), *пуф* (пуфак), *нақ* (тўппонча).

Болалар нутқида катталардан ўзлаштирилган қуидаги тақлид сўзларга ҳам дейктик вазифа юклатилганлигини кўриш мумкин:

Эшон бобом тескари томонга қараб *ниши-ниши* ухлаб ётибдила... (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

*Беши-олти кун олдин аммам келган эди. У ойим билан пичир-пичир гаплашган, “Ўгай... Йиглади... Ўқчига...” деган сўзлар қулогимга чалинган эди.* (Ў.Хошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Берилган гапларда қўлланган *ниши-ниши*, *пичир-пичир* тақлид сўзлари пишилаш, пичирлаш ҳаракатларини юзага келтирган шахсларга ҳам ишора қилиб туради.

Болалар нутқида билч-билч тақлид сўзининг ҳам кўп қўлланиши кузатилди. Бу тақлид сўз лой сўзи билан боғланганда, лойни босганда эшитиладиган товушни англатишдан ташқари, бу жараёнда лойда кечадиган ҳаракатга ҳам ишора қилиб туради. Масалан:

Энди кунлар сал-пал исиб, офтоб ҳам чарақлаб чиқиб, қорлар эриб, кўчалар **билч-билч** лой бўлиб қолди. (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Мен **билч-билч** лойни жуда ёмон кўраман. (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Болалар нутқида аффикслар орқали ҳам дейксиснинг ифодаланиши кузатилади. Нутқий фаолиятда қўлланган эгалик, шахс-сон аффикслари, ўрин-жой отларини ясовчилар шахс, нарса-предмет, макон дейксисини ҳосил қилиши манбаларда қайд этилган. [Рахимов, 1989: 25-32].

Мактабгача ёшдаги болалар нутқида қайд этилган аффикслар билан бир қаторда, -ники аффиксининг ҳам маконга ишора қилиши аниқланди. Масалан:

Бугун “Қора” аммам **никига борамиз**. (Ў.Хошимов. “Икки эшик ораси”)

Шаҳарда туришиса ҳам, уларни **нико** ток бор эди. (Ў.Хошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Юқоридаги каби ҳолатларнинг юзага келишида -ники аффикси билан бирга қўлланадиган келишик қўшимчаларининг грамматик маъноси ҳам аҳамиятлидир.

Хуллас, болалар нутқида дейксис тилнинг барча сатҳ бирликлари орқали воқеланади. Болалар нутқида қўлланган айрим тил бирликларининг табиатида дейктик хусусият мавжуд бўлса, баъзиларига боланинг коммуникатив мақсади талаби билан дейктик вазифа юклатилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

- Лутфуллаева Д., Давлатова Р. Ўзбек мулоқот матнининг дейктик бирликлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2011. – № 6.
- Лутфуллаева Д. Ўзбек тилида сонларнинг дейктик хусусиятлари / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари (Республика илмий-назарий анжуман материаллари). – Т.: ТДПУ, 2009.
- Давлатова Р. Ўзбек тилида макон дейксиси ва унинг ифодаланиши / Тил ва адабиёт фанини замонавий ўқитиш масалалари (Республика илмий-назарий конференцияси). – Т.: ТДПУ, 2017.
- Кларк Е. Normal states and Evaluative Viewpoints // Language. 1974. V. 50. – # 2.
- Лутфуллаева Д., Бобохонов Л. Ўзбек тилидаги айрим тақлид сўзларнинг нутқий-прагматик хусусияти // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари / Республика илмий ва амалий анжумани материаллари. – Андижон: АДУ, 2010.
- Mahmudov N. So‘z sandiqchasi: O‘zbek tilining izohli lug‘atchasi. – Т.: G‘afur G‘ulom, 2016.
- Рахимов С. Речевая функция и проблема дейксиса в разносистемных языках. – Т.: Фан, 1989.

<b>IV ШЎЬБА. ТИЛ ТАРИХИ</b>	
<b>Дадабоев Ҳамидулла</b>	
Кўхна обидалар сўз бойлигини атрофлича тадқиқ этиш – ўзбек тилшунослигининг долзарб масаласи	267
<b>Каримов Баҳодир</b>	
Абдулла Қодирий ва ўзбек адабий тили	271
<b>Улугов Абдулла</b>	
Тафаккур дурдонаси	277
<b>Тогаев Тўлқин</b>	
‘Ширдоғ’ атамаси тўғрисида	285
<b>Ҳамроева Орзигул</b>	
“Девону луготит турк” асарида мумтоз қофия элементлари	291
<b>Лафасов Урак</b>	
Абдулла Қодирий қашфиёти ва сўз қўллаш маҳорати	297
<b>Эгамова Шоҳида</b>	
Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексемалар	303
<b>Абдужаббарова Феруза, Рахимова Комила</b>	
“Қутадғу билиг” тилида инсон гўзалигини ифодаловчи сифат лексемалар	309
<b>Юлдашев Дониёр</b>	
Тарихий антропонимларнинг антропоцентрик талқини	315
<b>Ҳотамов Соҳибжон</b>	
Оғаҳий тарихий асарлари лексикаси ҳамда “Зубдату-т-таворих” асарида қадимги туркий сўзларнинг қўлланилиши	321
<b>V ШЎЬБА. АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>Данияров Баҳтиёр</b>	
Ўзбек тили лексик синонимларининг матн ҳосил қилиш имкониятлари	327
<b>Собиров Абдулҳай</b>	
Тил – халқ қудрати, жипслиги ва бирлигининг мезони	334
<b>Лутфуллаева Дурдана</b>	
Номларнинг информативлик, коммуникатив натижавийлик ва нутқий таъсир кўrsatiш функцияси	341
<b>Нормаматов Султон</b>	
Ўзбек тилшунослигига лексикографик тадқиқотлар	345
<b>Raupova Lailo</b>	
Лингвокультурологик концепт ва унинг хусусиятлари	351
<b>Сайфуллаева Раъно, Зарипбоеva Нафосат</b>	
Бадий асар тилининг ижтимоий воқеланишида халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўрни	356
<b>Курбонова Мунаввара</b>	
Болалар нутқининг морфодейктик хусусиятлари	361
<b>Курбонова Муҳаббат, Каримова Зулнурा</b>	
Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гаплар	370
<b>Жомонов Равшан</b>	
Ўзбек лотин алифбоси: график имкониятлар ва муаммолар	374
<b>Раҳматова Зоира</b>	
Мактабгача ёшда оламнинг лисоний манзарасини акс эттиришда луғатларнинг ўрни	380
<b>Тожибоев Ботир, Турсунов Шокиржон</b>	
Инглиз тилидаги баъзи туркий ўзлашмалар таҳлили	386
<b>Adilova Saodat</b>	
Corpus linguistics and its role in teaching uzbek as a foreign language	390